



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 2 июн, чоршанба № 70 (717)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар: қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиктосодиёт ва статистика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган топшириқлар; қишлоқ аҳоли яшаш жойлари рўйхати ва уларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашнинг белгиланган мuddатлари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари республика ва минтақавий схемалари асосида: 1999 йил 1 декабрда - қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва 2000 йил 1 мартда бўлган мuddатда - табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлансин; қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурларини ҳар йили аниқлаштирсинлар ва республика инвестиция дастурига киритиш учун тақлифлар тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиктосодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги: ҳар йилги инвестиция дастурларини шакллантиришда маҳаллий бюджетлар, ташкилотлар ва корхоналар, аҳоли маблағлари, хорижий инвестицияларни ва бошқа манбаларни жалб қилишни ҳисобга олиб, маблағ билан таъминлаш манбаларини белгиланган ҳолда, мазкур қарор ва минтақавий дастурлар кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлайдиган микдорларда капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини белгиланган тартибда назорат қилсинлар;

5. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш самардорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида қишлоқ сув таъминоти идоравий тизимларини коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий органлари балансига бериш йўли билан ичимлик сув таъминоти соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уларнинг ҳар чорақда ўз йиғилишларида қўриб чиқсин.

6. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси: бир hafta мuddатда Комиссия таркибда қишлоқ аҳоли яшаш жойларини таъминлаш мақсадида қишлоқ сув таъминоти идоравий тизимларини коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий органлари балансига бериш йўли билан ичимлик сув таъминоти соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқлансин.

7. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурларини амалга оширишда фаол қатнашаётган қишлоқ туманларини рағбатлантириш мақсадида ҳисобот йилда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва уй-жой фондини табиий газ билан қамраб олиш даражаси ўсишининг энг юқори фоизи учун ўтказган ҳар йили бериладиган Республика мукофотлари белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиктосодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси ва Фанлар академияси билан биргаликда олиб, бориш қийин бўлган ва аҳоли сийрак жойлашган қишлоқ аҳоли яшаш жойлари сув ва энергия таъминоти муаммоларининг тежалмай техника ечимлари бўйича 3 ой мuddатда тавсияномалар тайёрлансинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 мартдаги 117-сон қарорига 7-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1999 йил 1 июн

ХУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки (ЕТБ) Президенти Х.Келернинг Ўзбекистон Республикасига ташириш дастури доирасида у билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ЕТБнинг Ўзбекистон Республикаси номидан Бошқарувчиси Р.Азимов ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида ЕТБ Президенти Ўзбекистон Республикаси Банкининг Марказий Осиёдаги кон қазил, нефт-газ, энергетика, sanoat-қурилиш материаллари, молия сектори ва иқтисодиётнинг бошқа муҳим соҳаларида 582 миллион АКШ доллари миқдоридagi 14 лойиҳаси ҳамда 1 миллиард АКШ доллари миқдори ҳажмидаги сармояларни тўплаш борасидаги операцияларида ҳамкорлик қиладиган муҳим мамлакат ҳисобланганини қайд этди.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг банк секторини бундан буён ислохотлаш, етакчи тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши, шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожини тезлаштириш борасидаги шахсий ташаббусига юксак баҳо берди. ЕТБ Ўзбекистон банкларини хусусийлаштириш жараёнига институционал сармоядорларни жалб этишда стратегик ҳамкор бўлишга тайёр экани алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, ЕТБ кичик ва ўрта тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун кредит линиялари ҳажмини босқичма-босқич ошириб бориш истиқболларини қўриб чиқади, кичик ва ўрта тадбиркорлик учун инфратузилмани ривожлантиришга қўмаклашади.

Томонлар ўртасида «модернизациялаш + хусусийлаштириш» моделини қўллаш асосида сармоя лойиҳаларини моддий жиҳатдан таъминлаш бўйича узаро ҳамкорликни кенгайтириш, қимматли қўзғалар ва сугурта хизматларининг иккиламчи бозорини ривожлантириш хусусида аҳдлашувга эришилди.

ЕТБ Президенти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг аниқ ҳисоб-китобга асосланган ва етти ўлчаб-бир кесилган, самарадор йўлини қўллаб-қувватлашни таъкидлади. ЕТБ Бошқарувчилари Кенгашининг ҳар йили ўтказиладиган мажлисини 2003-йилда Тошкентда ўтказишга қарор қилингани бунинг далилидир. Бу - Ўзбекистонга ислохотлар муваффақиятини намойиш этиш мақсадида ҳақон бизнесининг 4-5 минг етакчи вакилларини жалб этиш учун кенг имкониятлар очиб беради ҳамда мамлакатимизга келаятган хорижий сармояларнинг янада ошишига, Тошкент шаҳри Марказий Осиёнинг молиявий пойтахти ҳамда келажақда ҳақон микёсидаги молиявий анжуманлар ўтказиш жойи сифатида эътироф этилишига хизмат қилади.

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи, дейдилар. Ватанимиз тараққиётида, унинг бойлигини оширишда шифокору ҳамшираларнинг ҳам муносиб хизматлари бор.

Яқинда Косонсойда ҳашар йўли билан вилоят тиббиёт ходимлари учун янги оромгоҳ ташкил этилди. Эндиликда бу ерда ҳар йили 120 нафар соғлиқни сақлаш муассасалари хизматчилари саломатликларини тиклаш имконига эга бўлиши.

Суратда: Ҳамшира Қамархон Иzzатуллаева.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Болалар оромгоҳлари мавсумга шайми?

Болажонларнинг бегубор табассумларида бахтиёрлик мўжзам. Фараҳбахш онларга мазмун бахш этиш эса биз катталарнинг бурчидир. Яқинда Вазирлар Маҳкамасида 1998 йил ёзи мавсумда болаларнинг дам олиши ва уларнинг соғлигини тиклаш яқунлари ҳамда 1999 йил ёзи соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш чора-тадбирлари бағишланган кенгашида ана шу эътибор, ғамхўрлик ўз ифода сини топди.

Тошкент шаҳар касаб уюшмалари кенгаши тасарруфидаги болалар оромгоҳларини кўздан кечириб эканмиз, мавсумга яхши тайёргарлик қўрилганлига амин бўлдик. Жумладан, Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғининг сўлим гўшасида жойлашган «Автомобилчи» оромгоҳи болаларни қабул қилишга барвақт шай этилди. Бу ерда мавсум мобайнида минг нафар ўғил-қизга хизмат кўрсатилади. Ён-атроф саранжом-саришта, салқин, Гуллар, дов-дараклар атрофга ўзгача бир фалаж бағишлаган. Таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилган. Сўнгги кунларда теварак-атрофга асфальт ётқизилди, хордик оналарга қўшимча жиҳозлар келтирилди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Камалак» оромгоҳи ҳам тарбияланувчиларни қабул қилишга тайёр. Тараддуд ишларини бирма-бир кўздан кечириб эканмиз, ўтган йилги сабоқлардан тўри хулосалар чиқарилганлига ишонч ҳосил қилдик. «Камалак» оромгоҳида ҳар мавсумда 320 бола ҳордик чиқаради. Бу ерда юқори малакали, ташкилотчи кишилар фаолият юритишади. Белгиланган тадбирлар мавсум гоят қизқарли ва мароқли ўтишидан далolat беради.

олик-овкат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланди. Қўриб чиқилдики, Тошкент шаҳар касаб уюшмалари кенгаши тасарруфидаги аксарият оромгоҳлар болажонларни қабул қилишга ҳар томонлама шай этилган.

оромгоҳларнинг ёзи мавсумга тайёргарлиги масаласи атрофлича муҳожама қилинди. Ички имкониятларини ишга солиш, таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказишга эътибор қўйилди. Жорий йилда 30 дан зиёд болалар оромгоҳларида 20 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз ўз саломатлигини тиклайди. Бу хайрли иш учун 100 миллион сарфлаш мўлжалланган. Тадбирлар шарафати билан Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкция ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Гўзал», «Ўздавмелиосуволий» илмий-тадқиқот институтининг «Гунча», Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Чимён» ва бошқа қатор оромгоҳларида тараддуд ишлари вақтида ақунланди. Бироқ, барча ерда иш бирдек деб бўлмайди. Таҳлил шунини кўрсатдики, баъзи раҳбарлар, мутахассислар ўтган йилги камчиликларини яна таққорлашмоқда. Мутасаддилар қўриб

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

ваъда беришларига қарамадан оромгоҳлари мавсумга шай этишга жуда кеч қўрилди. Масалан, Ангрндаги «Кўмир» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Койнот» оромгоҳида таъмирлаш тадбирларига май ойининг иккинчи ярмида киришилди. Чирчиқ қурилиш трестига қарашли «Ором» масканида ёзи тайёргарчилик ишлари ҳануз бошланмаган. Оқибат натижада оромгоҳ мавсумга тайёр эмас. Яна бир камчиликка эътибор қаратайлик. Ўрта-чирчиқ туманидаги темир-бетон бувоилари ҳиссадорлик жамиятининг «Мовий денгиз» маскани ҳам болаларни қабул қилишга тайёр эмас. Ётоқхона, ошхоналар, ҳовуз ва душхона ҳайта таъмирга муҳтож, жиҳозлар етишмайди. Ён-атрофда чиқиндилар уюми, қуриган дарахтарлар манзарани хира қилиб турибди. Савол туғилади: бу аллозда «Мовий денгиз» қачон таъмирланади-ю, қачон болаларни бағрига олади? Ахир вақт қутиб турмайди.

Фазилат ХОЖИКУЛОВА, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

JETRO ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Япониянинг ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) раиси Н.Хатакяма бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи иқтисодиёт алоқалар вазирлиги Э.Ғаниев билан учрашди. JETRO дунёнинг қўллаб-қувватлашга ташқи савдо ҳажмини кенгайтириш, экспорт-импорт масалалари, шунингдек маркетинг хизмати кўрсатиш борасида қўмақ бериб келади. Учрашувда Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасида ташқи савдо тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг экспорт қувватини ошириш, ташқи савдо бўйича махсус муассаса ташкил этиш каби катор йўналишларда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳожама этилди. Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди. Шу кун япониялик меҳмонлар Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолияти билан ҳам танишди. Тошкентдаги япон ҳарбий асирлари дафн қилинган қабристонни зиёрат қилди.

(ЎЗА)

МУРУВВАТ

Китоб туманидаги «Варганза» ширкат хўжалиги худудидаги «Каторбоғ» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шоймардон Рахмонов Бешир кишлоқда яшовчи Толибжон Давроновлар оиласидан тез-тез хабар олиб туради.

Толибжон ҳали ёш. У бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолган. Давроновлар оиласи бошлиғи вафотидан сўнг бу оила анчагина муҳтожлик кўрди. Лекин, қалбда меҳр уйғонганлар бефарқ бўлмадилар. «Варганза»

ширкат хўжалиги раҳбарияти кўлидан келганча мурувват кўрсатмоқда. Яқинда «Каторбоғ» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шоймардон Рахмонов ушбу хондонга совға билан бонди.

Саккиз фарзандга ҳам ота, ҳам оналик қилаётган

оила бекаси Шарифа Бобоқулова бундай мурувват учун миннатдорлик изхор этди. Шу ўринда бу оила туман ҳокимлиги диққат-эътиборида турганлигини таъкидламоқ лозим. Қаерда меҳр-оқибат кучли бўлса, ўша ерда барака бўлади, иш олдига босади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Бола тарбиясининг энг нозик ва мураккаб палласи аввало оилада, кейин катта оила-маҳаллада кечади. Зеро, маҳалла жамиятининг мустаҳкам таянч қўғондир. Агар ҳар бир маҳалла ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий-маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, юрт янада оқибатда ва оқибатда бўлаверад.

Фориш туманида бўлиб ўтган навбатдаги «Маҳалла кунини»да ана шулар ҳақида гап борди. Жиззах вилояти умумий майдонининг 52 фоизини ташкил этувчи бу туман Нурота тоғ тизмаларининг баҳаво қир-адириларида жойлашган бўлиб, 133 кишлоқ, 2 шарҳани бирлаштиради. Унда 70 миң кишидан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Буюк бобоқалонимиз Амир Темур назари тушган Фориш тумани кишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, оқоқоллар ўзлари яшаб меҳнат қилаётган маҳалла ва гузарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларни чинакам маданият ва маърифат ўчоқларига айлантириш борасида хайрли ишларни амалга ошираётган. Жумладан, қиска муддат ичида «Нурак» кишлоқ врачлик пункти, Осмонсой кишлоғида янги бозор, Илончи кишлоғида ўрта мактаб, Эргаш Камолов номи маҳаллада гузар барпо этилди. Туманда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо ва маиший хизмат тизими ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. Шу билан бирга, кишлоқ инфратузилмасини тақомиллаштириш, аҳолини газ ва тоза ичимли сув билан таъминлашни янада яхшилаш борасида халқ кўп ишлар амалга оширилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Йўлжа ЖҲРА,
УЗА мухбири

Аёллар меҳнатини кадрлаш, уни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятига бўлган катта эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Ана шу қонунлар ҳаётлигини таъмин этишда Республика прокуратураси муайян тадбирларни амалга оширмоқда. Текшириш натижалари шунини кўрсатдики, баъзи жойларда бу йўналишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Сансалорлик, масъулиятни тўла хис қилмаслик, инсон тақдирига бефарқлик каби иллатлар оқибатида ишчи-хизматчилар ногирон бўлиб қолмоқдалар. Жумладан, Республика прокуратураси томонидан «Ўзбекистонга» Давлат уюшмаси ва унинг тизимига кирувчи корхоналарда аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш текширилганда кўпгина корхоналар раҳбарлари бу борада халқ тегишлича фаолият кўрсата олмаётганлиги айтилган. Уларда техника хавфсизлиги учун ажратилган маблағларнинг тўлиқ сарфланиши таъминланмаган. «Хива гилам тўқиш» акциядорлик жамиятида пул маблағлари умуман ажратилмаган, Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» чарм-пойабал акциядорлик жамиятида ажратилган 4 млн. 600 миң сўм маблағдан 1 млн. 227 миң сўми, Самарқанд шаҳридаги «Нафис» акциядорлик жамиятида 9 млн. 272 миң сўмдан 4 млн. 518 миң сўмигина ушбу мақсадларга ишлатилган, ҳолос.

«Хужум» акциядорлик жамиятида жамоа шартномаси бўйича доридордон ҳамда махсус кийим-кечак учун кўзда тутилган маблағларнинг талай қисми бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган. Натижада ушбу жамиятда хотин-қизларга химоя воситалари берилмаган.

Ажратилган пул маблағларининг тўлиқ ишлатилмаслиги, жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига риоя қилинмаслиги, бу борада ўқув-масгулотлари ташкил этилмаганлиги оқибатида ўтган йилнинг ўзида уюшма бўйича ишлаб чиқаришда 82 та бахтсиз ҳодиса рўй берган, улардан 34 нафари аёллардир. Боз устига, меҳнатга лаёқатсиз бўлган кунлар учун 713841 сўм тўланган.

Меҳнат Кодексининг 215-моддаси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси талабларига зид бўлган ҳолатни Захриддин Бобур номи Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш, ҳиссадорлик жамиятида ҳам учратиш мумкин. Мутахассислар махсус тайёргарликдан ўтишмаган, мақсадли ўқишлар ташкил этилмаган, смена усталарининг би-

лимлари синаб кўрилмаган. Жамиятнинг пардозлаш фабрикаси ишчилари эса махсус пойабал ва кўзойнак билан таъминланмаган, айрим ҳоллар етарлича ёритилмаган, уларнинг томи таъмирланмаганлиги сабабли чакка ўтган. Бундай ўзибўларчилик техника ҳавфсизлиги қоидаларининг бузилишига олиб келган. Оқибатда бахтсиз ҳодисалар содир этилиши кўпайган.

«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низом талабларининг бажарилмаслиги ишчи И.Мамажонованинг оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлди. Лекин бу ҳолат бўйича жамият томонидан шахар меҳнат бандлиги ва бошқа ваколатли идораларга хабар берилмаган.

Уюшмада Меҳнат Кодексининг 161-моддаси талаблари кўп оқибатда бузилишига йўл қўйилмоқда. Масалан, шу йилнинг 10 май ҳолатига ишчи ва

Самимийлик, эзгулик, меҳр-оқибат, савҳоват. Бу сўзлар замирида олам-олам маъно мужассам. Айниқса, кўнгли ўксик кишиларга нисбатан мурувватли, меҳр-шафқатли бўлиш инсонийлик бурчимиздир.

Кибрай туманидаги 77-сон махсус ёрдамчи мактаб-интернатда асосан сўзларни яхши талаффуз қила олмайдиган, гапираолмайдиган болалар таълим-тарбия олишади.

— Ўқувчиларимиз соғлиқларини мустаҳкамлаб, айни вақтда шу кун талаблари даражасида билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, - дейди мактаб-интернат директори Абдусаттор Умбатов,

— Билим юртларга ўқиш ёки меҳнат жамоаларида ишлаш учун йўланмалар берилди. Қувонарли жиҳати шундаки, бу ерда болалар мутахассис тарбиячилар ва ўқитувчилар ёрдамида ўқиш, ёзиш, раво сўзлашни ўрганиб оляптилар.

Тўғарақларда катнашадиган ўқувчилар касбухона ўрганиб, спорт ва санъатга ошно бўлиб қолмоқда етишяпти. Шу йил

«Кўнгли ўксик ДЕМАНГ БИЗНИ»

бахорда «Туркистон» саройида ўтказилган мактаб-интернат ўқувчиларининг ёшлар фестивалида фаол катнашган мазкур илм маскани ўқувчилари ўз санъатларини намойиш этиб, фахрли ўринни эгаллашди ва рангли телевизор билан тақдирланишди.

Янгибод фуқаролар йиғини худудидидаги илм маскани ўртасида ўтказилган футбол мусобақасида мактаб-интернат спортчилари мутолқ голибликни қўлга киритишди.

Илмий бўлим мудири Тоҳирисо Алимжоновани бу ерда катта ҳурмат билан тилга олишди. У ўқувчиларини намунали йўлга

қўйиб билан бирга ёшларга тикувчилик ҳунари сирларини ҳам ўргатапти.

Ўқувчилар қалбига йўл топиб улар руҳиятини ўрганиб, кўп иллик тажрибаларига таяниб иш юритаётган муаллимлар доимо из-

рфларни тўлиқ талаффуз эта олмасди. Мана, худого шукр, тарбиячиларнинг ва ўқитувчиларнинг ёрдами туфайли ҳозир раво гапириб, фанларни ҳам пухта ўзлаштиряпти. Ўқитувчилардан миннатдорман...

Чиноз туманидаги Алишер Навоий номи жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи Дилором Маматқулова, кибрайлик Карима Утарбоева, Шихиста Иброҳимова, Алина Уртаевалар ҳам фарзандларини аъло баҳолар билан синфдан-синфга кўчганликларидан фахрланиб гапиришди.

— Меҳр-савҳоватли инсонлар борлиги учун ҳаётимиз гўзал, - дейди Абдусаттор Умбатов, - мактаб-интернат давлат химоясида деб қараб ўтирмасдан ҳомий ташкилотлар ҳам ўз мурувватларини дариг тутишяпти. Масалан, «Элэригота» чорва комплексининг раҳбари

Бўстон шаҳри яқинида жойлашган туманларо «Камалак» оромгоҳида

табларининг ўқувчиларидир. Оромгоҳда болаларнинг

ЁЗ ЎТАДИ СОЗ

Халқаро болаларни химоя қилиш кунини қорақалпоқ болаларининг ёзги дам олиш мавсуми бошланди. Оқнақул соҳилидаги бу сўлим оромгоҳ 250 нафар болани ўз бағрига олди. Улар Бўзатов, Чимбой, Нукус, Кегейли, Элиқалъа туманлари ва Нукус мак-

ёзги таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Дам олувчилар белгиланган дастурга мувофиқ Тупроққалъа, Қаватқалъа, Аёзқалъа, Гулдурсин каби қадимий жойларга, Хива шаҳрига саёҳат қилади.

ХАЛҚ ПОСБОНЛАРИ - ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Фаргона вилоятида фуқароларнинг оқибатлигини таъминлашда кўнгли халқ посбонларининг хизматлари катта бўлаётган. Шаҳар ва туманларда ташкил этилган 500 га яқин «Маҳалла посбонлари» уюшмалари таркибиде 5200 нафар жисмонан ва маънан етуқ ёшлар фаолият кўрсатишмоқда. Улар кишлоқ ва маҳалларда Ички ишлар идоралари ходимлари билан биргаликда фаол иш олиб боришяпти.

Хозирги кунда Фаргона шаҳар худудида 42 та «Маҳалла посбонлари» уюшмалари ташкил қилинган бўлиб, уларга 130 нафар ёшлар жалб этилган. Кўнгли халқ посбонлари фаолияти туфайли умумий жиноятчилик камайиб бормоқда. Жумладан, 1998 йилнинг 4 ойи мобайнида шаҳар бўйича 357 та жиноят қайд қилинган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 256 тани ташкил этди. Шунингдек, жиноятқидирув йўналиши бўйича ўтган йилнинг шу даврида 273 та жиноят содир этилган бўлса, бу йил 37 тага қамалди.

Кўнгли халқ посбонлари участка нозирлари билан бирга қундузги ва тунги тадбирларда ҳам қатнашмоқдалар. Натижада жиноят содир этилиши мумкин бўлган ҳолатларга ўз вақтида барҳам берилаётган. Маҳалларда, фуқаролар хонадонларида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Халқ посбонлари фаолияти, айниқса, шаҳарнинг Ойбек мавзесида яхши ташкил этилган. Участка нозирлари маҳалла фаоллари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилишяпти. Жанжалкаш оилалар, муқаддам судданганлар, безорилликка, жиноят содир этишга мойил бўлган ёшлар ўртасида профилактика - тарбиявий ишларни олиб бориш, келажакда шундай шаддимнома киритилган. Зарарларни ундириш юзасидан 6 та даъво аризалари судга оширилди. Қонунга хилоф равишда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг 56 тасига протест киритилиб, бекор қилинди.

Бугунги кунда маҳалла посбонлари ҳаракатининг жонлиб бораётганлиги милиция билан халқ ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти.

Б.ОМОНОВ,
Ш.РУЗИЕВ,

хизматчилардан ойлик маошлари бўйича 58 млн. сўмдан ортиқ қарздорлик мавжуд. Гиждувон туманидаги ип-йигирув фабрикаси жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига ойлик маош бўйича 3 млн. 805 миң сўм, нафақа пулларидан эса 1 млн. 740 миң сўм қарздор. Вобкент туманидаги йигирув-тикув фабрикаси, Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида, «Муسادорлик» жамиятида, «Сурхонтекстиль» акциядорлик жамиятларида ҳам ана шундай нуқсонлар мавжуд.

Бундан ташқари «Фаргонатекстиль», «Намангантекстиль», Тўртқўл, Беруний, Риштон, Бешариқ, Асака, Ёрқишлоқ, Богот тўқимачилик корхоналари ва «Тоштекстиль» акциядорлик жа-

си бор аёл ҳамда 18 ёшга тўлмаган 13 нафар қизлар ишга жалб этилган.

Андижон ип газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида Меҳнат Кодексининг 37-моддаси 2-банди 5-қисми талабларига зид равишда 1997-98 йилларда 14 ёшгача болалари бор аёлларга ва 5 нафар воёга етмаган қизларга қонунда белгиланган тўлиқсиз иш вақти ва кўшимча меҳнат таътили бериш юзасидан имтиёзлар умуман қўлланилмаган. 5 нафар воёга етмаган қизларнинг шу йилнинг январь-феврал ойларида белгиланганидан ортиқча 209 соат ишлаганлиги учун кўшимча 6186 сўм пул тўланмаган. Ушбу хил қонун бузилишига «Тошкент чинни заводи», «Булқобоши ипаги» ва «Сурхонтекстиль»

мумкин. Уйчи туманидаги йигирув-тикув корхонасида ишдаги бахтсиз ҳодиса сабабли ишчи Р.Собиidinова қаттиқ жароҳат олиб, 25 фоиз меҳнат қобилиятини йўқотган эди. Лекин унга амалдаги йилнинг март ойига қадар меҳнат қобилиятини йўқотганлигини қандай изоҳлаш керак?

Гулистон шаҳридаги «Лола» хиссадорлик жамияти маъмурияти 190 та бўш иш ўринлари борлиги қарамасдан, бу ҳақда шаҳар бандлик хизмати маълумот бермаган. Шу каби қонун бузилишига Шаҳрисабз туманидаги «Садо» акциядорлик жамиятида ҳам йўл қўйилган. Шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 1998 йил учун 43 та махсус иш ўринлари

АЁЛЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚЛИК

ёки у қандай ижтимоий оқибатларга олиб келаётганлиги хусусида

ташк и л этиш режаси бажарилмаган. Гиждувон туман меҳнат бандлиги хизмати томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож 2 на-

фар киши ип-йигирув фабрикасига юборилган, лекин улар иш билан таъминланмаган. Меҳнат Кодексининг 81-моддасига зид равишда жамиятда бир ой ва ундан кўп ишлаётган М.Юсупова, Н.Ёрбекова, С.Қурбонова, М.Хўрозова, М.Жуманова ва бошқаларга белгиланган мuddатда меҳнат дафтари тўлимаган. «Қаштекс» акциядорлик жамиятида ишлаётган 33 нафар ходимга 1996 йилдан буён меҳнат дафтаридаги юри-тилмаган, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқлар ходимларга таништирилмаган, ходимларнинг бошқа ишга ўтказилганлиги ҳақидаги буйруқлар меҳнат дафтарида қайд қилинмаганлиги каби ҳолатлар кишини ажаблантирмай иложи йўқ. «Жиззахтекс» корхонасида 125 нафар ишчига меҳнат дафтарида очилмаганлигига нима дейсиз?

миятининг Паркент ҳамда Қорақамиш шохобчаларида ҳавонинг чангланган даражаси белгиланган меъёрдан 40-50 фоизга, шовқин даражаси ортганлиги сабабли аёллар ўртасида касб касаллигига учраш ҳоллари кўпайган.

Меҳнат Кодексининг 228- ва 245-моддалари талабларига зид равишда уюшма тизимидаги корхона раҳбарлари томонидан воёга етмаган қизлар, ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг уларнинг розилигисиз дам олиш кунлари ишга жалб этиш, айрим ҳолларда уларга белгиланган меъёрдан ортиқ ишлаганлиги учун ҳақ тўламаслик, меъёрдан ортиқ юзларни ташишда ишлатиш каби қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги ачинарлидир.

Жумладан, Андижон вилоятидаги тўкув фабрикасида жамоа шартномаси талаблари бузилиб, жорий йилнинг 24 январь-дам олиш кунин 9 нафар ҳомиладор ва 12 ёшгача бола-

хиссадорлик жамиятлари фаолиятида ҳам йўл қўйилган. Андижон шаҳридаги «Холис» савдо ва саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-сонли фабрикаси бичиш ҳеҳида чанг миқдори меъёридан 1,5-2, пойабал ҳеҳида 1,7-2,3, 5-сонли фабрикасида эса 1,2-1,5 баробарга ортиқ бўлиб, буюк ҳеҳида зарарли моддалар билан ифлосланган ҳавони тозалаш мосламалари ўрнатилмаган. Ёришти асбобларининг 40 фоизи йшламайди. Зарарли шароитларда ишловчилар сут ва қайнатилган сув билан таъминланмаётган.

Шаҳрихон тикув-трикотаж акциядорлик жамиятида 2 ёшга тўлмаган болалари бўлган 67 нафар аёлга ўтган йилнинг иккинчи ярмида берилиши лозим бўлган нафақаларнинг 300 миң сўмга яқини ханузгача тўланмай келинмоқда. Избоскан туманидаги шойи тўқиш акциядорлик жамиятида ҳам юқоридаги аҳволни кўриш

Биздан сўрабсиз

Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнат ҳуқуқлари Бош нозири Ҳамидулла Премкулов жавоб беради.

Савол: 40 йилдан буён ҳайдовчилик қиламан. Ҳозир «Қарши такси очик ҳиссадорлик жамияти»да ҳайдовчи бўлиб ишлайман. «Ўзавтотранс» корпорациясининг 1997 йил 27 мартдаги 90-сон буйруғи билан тасдиқланган Енгил автомобиль машинасини сотиб олиш ҳуқуқи билан ички хўжалик ижарасига бериш тўғрисидаги Низомга амал қилиб, 1997 йил 5 августда ўзим 12 йилдан буён бошқариб келётган «Газ-2417» давлат рақами 14-02 КФА енгил автомашинасини сотиб олиш учун фуқаролик кодекси асосида ташкилот билан шартнома тузим ва ижара олиб ОТХЖга пул тўлаб келдим. Шартнома 1997 йил августдан 1999 йил 5 февралга қадар тузилган эди. Мен шартномада тузилган барча шартларни бажардим.

Аммо, вилоят «Автотранс» бошқармаси бошлиғи Талиб Холиқов «Автотранспорт» вазирлиги сотишга рухсат бермапти демоқда. Шу тўғрими?

Э. Сафаров, Қарши шаҳри.

Жавоб: Ижарага берувчи билан ижарага олувчининг шартномаси муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва ижара ҳақидаги қарори билан тартибга солинади.

Фуқаролик Кодексининг 539-моддасига биноан мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса муддатидан қатъи назар, эзма шаклда тузилиши шарт.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рухсатидан ўтказилиши лозим. Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарагаги ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.

Фуқаролик Кодексида шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш бошқа қонунларда эки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши эки бекор қилиниши мумкин: 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳоллардан.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нар-

фаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартнома шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкни манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан эки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганда суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг

ушбу шартномани бажариши билан боғлиқ харажаратларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган эки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортқ зарар келтирадиган нарсаларни қайтариб бериши талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Агар шартномани ўзгартириш эки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш эки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлаши талаб қилишга ҳақли.

Жавоб: хатингизда эътироф этилган автохўжалик раҳбарининг шартномада кўрсатилган Сизга автомашинани сотиш шартини бажармаслигини маъна шу модда харажатига тушади, чунки оқори ташкилотнинг кўрсатмаси уни бу имкониятдан маҳ-

рум қилган, таъкидлаб ўтиш кераки, мазкур масала суд органида кўриб чиқилиши мумкин.

Бундан ташқари шартноманинг тарафлари уни озгаси равишда ўзгарти-

риш эки бекор қилишлари мумкин эмас.

Агар қонунчиликда эки бевосита шартноманинг ўзида ўзгача ҳолат назарда тутилган бўлса шартнома ўзгартирилганда эки бекор қилинганда тарафлар шу ҳолат юзга келгунча қадар шартномага асосан бажарган ишларини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Агар шартномани бекор қилиш эки ўзгартириш учун иккинчи тарафининг шартнома шартларини кўпол равишда бузганили сабаб бўлган бўлса, унда биринчи тараф бунинг оқибатида етказилган зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақли.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб айтиладиган бўлса автохўжалик унинг раҳбари тимсолида шартноманинг субъекти бўла туриб шартнома шартларини бажармаётгани учун Сиз ўз ҳуқуқингизни талаб қилиб фуқаролик даъвоси билан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газетамизнинг 1999 йил 23 апрел сонидида Қашқадарё вилоти Усмон Юсупов туманида истиқомат қилувчи М.Муҳамедова саволига берилган жавобда соҳа мутахассиси нотўғри талқинга йўл қўйганили учун мазкур жавобга Ҳ.Премкулов қуйидагича изоҳ бўлди.

Савол: Ёшим 46 да. Унта фарзанднинг онасиман. 13 йилдан буён мактабда хизматчи вазифасида ишлайман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

Жавоб: Амалдаги Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 12-модда «з» бандига асосан болани парвариш учун кетган вақтни кўриб ҳисоблаганда (бундай вақт ҳар бир бола уч ўшга тўлгунга қадар, ҳамма вақт қўшиб ҳисоблаганда олти йил доирасида олинди) меҳнат стаж камиди 20 йил бўлса эки болани парвариш учун кетган вақт қўшилганда меҳнат стаж 15 йил бўлган тақдирда 50 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1999 йил 14 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»ги қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1995 йил №12, 269-модда; 1997 йил, №4-5, 126-модда; 1998 йил №9, 181-модда аёлларга умумий белгиланган ёшдан бир йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи 12-1-модда билан тўлдирилди.

Хар бир мустақил давлатнинг ўз рамазли бўлади. Шулар орасида фуқароликни белгиловчи ҳужжат - паспорт алоҳида аҳамиятга эгадир.

Яқинда Тошкент вилоятидаги Бекобод тумани ички ишлар бўлимида ибратли тадбир бўлиб ўтди. Янги паспортни илк бор қўлига олган фуқароларнинг қувончи чексиз эди.

Суратда; Туман ички ишлар паспорт бўлими бошлиғи Икромжон Рўзиев фуқароларнинг бир гуруҳига янги паспортни топширапти.

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

Амалдаги пенсия тўғрисидаги қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в», «г» бандларидида кўрсатилган иш стажларидан камиди 20 йиллик стажга эга бўлган аёллар 54 ёшдан, яъни умумий белгиланган пенсия ёшидан бир йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки «Пенсия тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддаси «д», «е», «ж», «з», «и», «к» бандлари учун биз юқорида кўрсатиб ўтган аёлларга қўшимча имтиёзлар ҳақидаги 12-1-модда тадбиқ этилмайди.

Шу тариқа савол муаллифи 10-фарзанднинг онаси, амалдаги қонунчилигимизга, яъни «Пенсия тўғрисида»ги қонуннинг 37-модда «з» бандига асосан у имтиёзли тарзда 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Биз юқорида таъкидлаб ўтган қонунга киритилган қўшимча имтиёз бу тоифадаги пенсияга қичувчи фуқароларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Савол: 1999 йил 1 январдан қашлоқ ўқитувчиларига табиий газдан фойдаланишга ойига 330 сўм пул имтиёзи берилди. Ундан зиёдини ўқитувчининг ўзи тўлайди, дейишмоқда. Шу тўғрими? О.Жабборов Хоразм вилоти, Шовот тумани.


Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги №541 — сонли қарорига биноан аҳолининг табиий газни иқтисод қилишда манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1999 йил 1 январдан табиий газдан имтиёзли фойдаланаётган фуқароларга қуйидаги нормалар ўрнатилган;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 40м² ҳисобидида иситиладиган турар жой учун ойига 240 м³, йилига 2880 м³; Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар учун ойига 220 м³, йилига 2640 м³ газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрлари белгиланган.

OLAMDA NIMA GAP

МИНСК. Беларусдаги «Мир» радиосининг икки йиллик юбилейига бағишланган тантаналар фожеа билан якунланди. Минскдаги спорт саройи қаршида бўлаётган концерт томошабинлари дафъатан бошланган кучли ёмғир ва довулдан қочиб, шу атрофдаги метро бека-тидан вақтинчалик бошпана топмоқчи эди. Лекин, одамларнинг бирварақайига метрога киришга уриниши оқибатида кўпчилик оёқ остида қолиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 54 киши фожеа қурбони бўлган.

ҚОХИРА. Бу ерда Миср Президенти Хусний Муборак ва Иордания подшоҳи Абдулла ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини олға силжитиш ва беш араб мамлақати давлат раҳбарларининг учрашувини ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Беш томонлама учрашувда Миср, Иордания, Ливан, Сурия ва Фаластин раҳбарлари иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Миср ва Иордания раҳбарлари, Исроилдаги парламент ва бош вазир сайловларидан кейинги вазият муносабати билан, араб давлатларининг Яқин Шарқ муаммосига нисбатан умумий нуқтаи



АҚШ шаҳарларидан бири

Бир қафт тупроқнинг қанчалар мўъжиза яратишини биласизми? Аслида бу мўъжизалар чексиз меҳр, доимий эътибор ва тинимсиз қилинган меҳнатнинг мевасидир. Ҳақиқий деҳқон ер билан тиллашсади, унинг қалбига қулук тутади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳосилот Тожибой РИЗОВЕ ана шундай инсонлардан биридир. У кирк йиллирди. Паркент тумани «Заркент» ширкат хўжалигига раислик қилади. Ёзувчи Уктам ҲАКИМАЛИ яқинда Заркентда бўлиб тадбиркор раис билан суҳбатлашди.

Мен раислики бошлаганимда ҳали ўттизга ҳам тўлмаган эдим. Йиллар ўтган сайин тажриба ортиб бораверар экан. Ерни обдон ишлаб ҳосил беришга тайёрлаб олганингиздан кейин қийналмайсиз. Бу гўё ёш болани тарбиялаб вояга етказгандай гап. Бизнинг ерлар асосан лалми. Сув жуда кам. Шунинг учун ерга ишлов бериш доим диққат марказида. Қирк йил раислик қилган бўлсам, бирор вақт ерга ишлов беришни кўл учида ё хўжа кўрсинга қилмаганмиз, шундай ҳаракатда бўлган кишини кечирмаганман ҳам. Ер доим диққат-эътиборни талаб этади. Уни чуқур ҳайдаш, етилганда ҳайдаш, вақтида ўғитлаш, вақтида шудгор қилишда гап кўп. Ер семиради, қуёш нуридан озикланади, ҳаводан зарур озукасини ҳам олади. Мана шу айтилган омилларга эътибор берилмаса ҳеч қачон қўзланган ҳосил кўтарилмайди. Қирк йиллик, узлуксиз табиий ўғитни ерга септириб, қўзланган ҳосилни кўтарамиз. Ҳар қим ўз услуби билан ишлайди. Еримиз

бизда мутлоқо йўқ эди. Хўжалик оёққа туриб режаларини ўрнатила бошлаганидан кейин боғдорчиликни ривожлантиришга зўр бердик. Мутлоқо сув чиқмайдиган ерларга ток экидик. Тажрибали кишилардан фойдаландик. Токларимиз, олма, нокларимиз ҳо-

олишлари мумкин. Ота-боболаримиз 130 йил орзу қилган мустақилликка эришдик. Мустақиллик бизга барча имкониятларни яратиб берди. Хўжаликлар аҳолини яхшилашнинг яна бир сирини - меҳнатқашларнинг эҳтиёжлари диққат марказида туриши керак. Қишлоқда 3 та мактаб бор, 4 минг 500 бола ўқийди, уларга 200 муаллим устозлик қилади. 2 та болалар боғчаси мавжуд. Уларнинг қуйи

рилиши ва бошқа харажатларни ширкат хўжалиги зиммасига олган. 1998 йили 460 ўринли мактаб биносини қуриб топширдик. Чойхона, 3 та сартарошхона, ҳаммом, дорихона, стадион бор. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларга улкан ёдгорлик қўйилган. Соатига 5 тонна дон тортадиган тегиримон, катта вино заводи ҳам мавжуд. Бугунги кунда 1000 га яқин қора моллардан ҳар қуни 100 минг сўмлик сиз сотаётирмиз. Бу сизга ойига қанча даромад келтириши сир эмас. Касаба уюшма раиси Норхўжа Усмонов одамлар билан дилдан суҳбатла-

ЕРНИ БОҚҚАН БОЙ БЎЛУР

хўжаликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тажрибасидан

шиб, эҳтиёжларини атрофича ўрганиб иш қўради. Қишлоқда икки кишининг уйи ёниб кетди. Хўжалик уларнинг уйлари қайтадан қуриб берди. Раҳматуллоев Аҳадга, Нишонов Йўлдошга берилган ёрдам пули 120-130 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари моддий ёрдам сўраб келганларнинг илоҳи бори ча эҳтиёжи қондирилади. Маракалилар, тўй қилганларга бир қол ун, бир қўй, ёғ,чой, яна зарур нарсалар текин берилади. Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари доимий равишда диққат-эътиборда. Шу ўринда хўжалигимизга бутун умрини сарфлаган бригадирлар Саъдулла Абдуллаев, Мансур Рўзमतов, Файзулла Фатхуллоев ва ҳозирда ҳам фидойиллик кўрсатаётган Эргаш Эшоннов, Деҳқон Жўжиев, Турсун Қурбоналиева, Умида Жўраева, Маъмура Рўзमतоваларни фахр билан тилга олишни истардим. Шундай фидокор инсонларнинг борлиги, уларнинг ҳамкор, ҳамроз эканлиги янгидан-янги ишларга руҳлантиради. Уларнинг шижоатидан, ғайратидан ўзимга қучқуват оламан. Бу ғайрат, бу жўшқинлик барчани янги зафарларга ундайди.

Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

Жахон тарихида ўтган юзлаб ҳукмдор ва саркардалар сафидида Жалолiddин Мангубердининг ўз ўрни бор. У хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги вакили Аловиддин Муҳаммад Султоннинг суякли туркман хотини - Ойчечакдан туғилган. Ёшлигида тоғаси Жахон Полвон тарбиясида кўпроқ бўлиб, бу ерда унинг диний ва дунёвий илмлар олишига, адабиёт ва санъатни, мусика сирларини ўрганишига алоҳида аҳамият берилди. Шу боисдан Жалолiddин боболари сингари газал битишга, турли мусика асбобларини чалишга меҳр кўйди. Энг аввало, хоразмшоҳлар пири Шайх Нажмиддин Кубро унга кубравия тарикатидан сабоқ бериб, ислом дини, миллий одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингирди. Колаверса, у кўрол билан ва кўролсиз жанг қилиш, от ўйнатиб, қиличбозлик қилиш, жанг майдонида ўзини тўтиш ва кураш сир-асрорларини мукамал эгаллади.

конини бериш керак, деган мазмунда қарор қабул қилди. Бу билан у ўз давлатининг ҳалокатини тезлаштирди. Мўғуллар ҳар бир алоҳида шаҳар ҳимоячиларини тезда енгиб, қисқа муддат ичида бутун Мо-вароуннахрни ишғол қилди.

Мўғулларнинг катта муваффақиятлари Султон Муҳаммаднинг улкан армиясида парокандалик бошланганига, унинг давлатидаги барча қарама-қаршиликларнинг юзага чиқишига сабаб бўлди. У ўзининг вассалларидан мутлақо ҳарбий мадад ололмагач,

отаси ҳокими дафн қилишни ният қилди. Насавийнинг ёзишича, Жалолiddиннинг аёнларидан Муқарабдин унга Аловиддин Муҳаммаднинг ҳоки кўчирлиши оқибатларидан ҳавотирда эканлигини билдирганда, унга қулоқ солимайди. Натижанда Жалолiddин Мангуберди ҳалок бўлгач, мўғуллар ушбу қалъани олади. Аловиддиннинг ҳокими гўрдан олиб, ҳокон Уғидой олдиға жўнатадилар. Ҳоконнинг буйруғига мувофиқ ҳок ёқиб, кул қилинади...

Жалолiddин Мангуберди ўзининг укалари Узлиғшоҳ ва Оқшоҳлар билан отаси жасадини қўмиб, Гурганжга қайтиб келганидан сўнг Туркон хотун Аловиддин Муҳаммаднинг фармонини тан олмади.

Нажмиддин Куброни ҳурмат ила шаҳардан олиб чиқиб кетиш сўралган эди. Кейин унинг олдиға вақил юборилиб, унга қариндош-уруғларингиз юз нафар бўлса ҳам марҳамат, бирга олиб кетишингиз мумкин, дейишади.

Шунда Нажмиддин Кубро: «Бутун Хоразм халқи менинг туғишганларим, заминида жаса болаларимиз ётибди. Оғир қунда шу халқни ва муқаддас заминни ташлаб кетган киши иймонсиздир» дея гапни чўрт кесади. Ўз эътиқодинга содиқ қолган шайх аёвсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Етти ой қамалдан сўнг Хумор Тегин ва унинг амалдорларининг хоинлиги билан шаҳар дарвозалари очиб берилди. Мўғуллар шаҳарни талаб бўлгач, аҳоли орасидан минглаб хунармандларни танлаб олиб Мўғулистонга жўнатади. Қолганларини йўқ қилиш учун 50 минг мўғул жангчиларининг ҳар бирига 24 кишидан бўлиб берилди. Шундай қилиб, Гурганжда 1 миллион 200 минг киши мўғуллар томонидан қириб ташланган.

Бу ҳам камлик қилгандек, душман Амударёдаги тўгонни бузиб, пойтахтни сувга бостиради. Туркон хотун, Аловиддин Муҳаммаднинг бутун ҳарамини ва унинг фарзандлари Мазандарондаги Илол қалъасида мўғулларга асир тушади. Хоразмшоҳнинг фарзандлари ўлдирилади, хотинлари эса Чингизхоннинг яқин кишиларига хотинликка берилди. Туркон хотуннинг ўзи эса ҳоконнинг қароғоҳи Қорақумга юборилди.

Солижон ҲАСАНОВ, педагогика фанлари номзоди.



Булоқбоши қишлоғидаги Дулана маҳалласида бир табаррук онахон билан. Уни ҳамқишлоқлари суйиб Марямхон ая дея ҳурмат билан тилга олишади. Яқинда онахон ўзининг бир асрлик тўйини нишонлади. Сурада: Марямхон она Ғойипова чевараси Алишер билан.

Бахтиёр ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Марғилонда республика ёш хонандаларининг Ўзбекистон халқ хофиси Маъмуржон Узоқов номидаги аънавий кўшиқ кўрик-танлови якунидан. Мамлакатимизнинг вилоятларидан келган қирқдан зиёд иқтисодчи ёшлар учун кун давомида ўз санъатини намойиш этди. Фаргона вилояти Тошлоқ туманидан Аҳаджон Одиллов ва андижонлик Мунаввар Чориева биринчи ўринни эгаллади. Тошкент вилоятидан олинган Дилафруз ва Сарвиноз Очилова, андижонлик Аҳмаджон Абдуллаев ва фарғоналик Алишер Исмоиловга иккинчи ўрин насиб этди. Марғилонлик Комилжон Азимов, тошкентлик Аббор Парпиев ва фарғоналик Абдумутал Ҳалилов учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолибларга муқофот ва эсдалик совғалари топширилди.

ҚУДРАТЛИ БУРГУТ

ичкарига кириб келишни тўхташ ва унга қакшаткич зарба бериш масаласида Хоразмшоҳ, амалдорлар, беқлар ва саркардаларнинг фикрлари бир жойдан чиқмади. Хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбоби Ийрон ал-Хевақий мавжуд тўрт юз минг аскарни Сирдарё бўйига тўплашни ва сўнг узоқ юришдан чарчаган мўғулларга ҳужум қилишни маслаҳат берди. Бироқ Хоразмшоҳ бу оқилона маслаҳатни рад этди. Жалолiddин Мангуберди эса мўғулларни Мовароуннахрга қиритиб сўнг маҳаллий ҳудудни душманга нисбатан яхши биланлигидан фойдаланиб уни мажлаб ташлаш ҳарбий усулини тақлиф қилган эди.

Бироқ Хоразмшоҳ тақлиф этилган барча режаларни рад этди ва ҳар бир шаҳарга ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва мўғуллар билан мустақил жанг қилиш им-

кадам-бакадам таъқиб қилди келаётган Чингизхоннинг лашкарбошилари Жаба ва Субутоининг 20 минг кишилик энг яхши аскарларини уни Каспий денгизига дағи Ашур оролига қочиб жон сақлашга мажбур қилди. Умрининг тугаганини сезган Султон Муҳаммад шохлик либосини Жалолiddин Мангубердига кийдириди. 1220 йилнинг декабрида Хоразмшоҳ вафот этади ва ўша оролга қабанисиз қўмилади.

Кафисчилик Жалолiddиннинг фармонига мувофиқ Аловиддин Муҳаммаднинг жасади Ардаҳон қалъасига қўчирилди ва ўз отаси номига бағишлаб Исфохонда мадраса қурилиши бошлатди. Худди ўша мадраса худудига ўз

Худди шу машҳум лашкарларда Туркон хотун Гурганжнинг мудофасини ташкил этиш ва мўғулларга қаршилик кўрсатиш ўрнига, у асирликда сақланаётган барча султонлар ва уларнинг фарзандларини - жами 26 кишини Амударёга чўктиришга буйруқ беради. Шундан сўнг у ўзи билан Хоразмшоҳнинг хотинлари ва болаларини, унинг хаазинаси ҳамда қимматбаҳо ашёларини олиб ўз хизматкорлари ва вазир Муҳаммад ибн Солиҳ билан Язир ҳокимининг ўли Умархон раҳбарлигида Гурганжга ўз ўлиги ўхшаб ташлаб кетади.

Чингизхон Жўжи, Уғодий, Чигафой бошлик 100 минг кишилик қўшинни Гурганж ҳимоячиларига қарши ташлади. Улардан шаҳарни байрон қилишдан олдин шайх

Хотира - муқаддас туйғу

касига оқиб тушади. Титраган кўллари билан Назиржоннинг юзини ўзига қаратар экан, шундай деди, - Майли, энди борақол, болам! Сени Оллоҳга топширдим. Ишқилиб, ўз па-ноҳида асрасин. Ой бориб, омон келгин. Душманга бўш келма. Илгинг қуриса ҳам илдам юргин. Унсин хола ҳам ўзини ўғлининг бағрига отди... Хайр-лашдилар.

Назиржон бурилиб кетаётди, охири бор қадр-долларига қараб қўйди. Уларнинг нигоҳларида га-

қўшилиб фарқ бўлиб кетди... Назиржон бироз тўхтамоқчи бўлди-ю, сўнгра нарироқда клуб қошида йиғилиб турган тумонат одамлар сари юриб кетди...

Зумрад холянинг юраги сикилиб кетди. Терган ўтларини бир чеккага қўйиб ўф тортиди. Эсламасликка қанчалар уринмасин, ўша мудҳиш қундаги дахшати манзара кўз олдидан тизилишиб ўта бошлади...

Зумрадхоннинг бир томондан севиклисидан

бор нигоҳ ташлади... Еру осмон ҳаммаси гир айлан-ди. Бостириб келган қучли тўлғоқданми ёки кўз олдидаги дахшати манзараданми, ўзи идрок эта олмаган ҳолда кўзлари қоса-қириб чиққундек бўлиб қич-қириб юборди. Қайнона-келиндининг аламли фарёди-га, ҳозиргина дунё юзини кўрган гўдақнинг чинқир-ғи қўшилиб осмону заминни титратиб юборди...

Кечагина Сарви бувини зиёрат қилиб чиққан киш-лоқдошларга солинган қур-пачаларга, ҳали йиғишти-

ИШТАҲАСИГА БАЛЛИ!

Шифохонага олиб келинган 20 ёшли турк йигити Аҳмедни шифокорлар рентген қўриғидан ўтказишга, дарҳол уни жарроҳлик столига ётқи-зишди. Бечора хастанинг қорнидан жарроҳ 20 та мих, отверка, оҳанграбо, бир неча сим ўрамини олди. Бунни кўриб Аҳмеднинг отаси шифокорларга ўғли бир неча бор одам организмни учун темирнинг фойдаси ҳақида гапир-ганини айтиб берди. Аммо воқеанинг бундай ту-гашини ўғли ҳақиқатда одам организмни учун му-ҳим бўлган темир модда-си ўрнига, ростакамга темир жисмларни қабул қилиши хаёлига ҳам кел-маганди.

Организмининг бақувват бўлиши учун темир мод-даси зарур деган шифо-корлар тавсиясини Аҳмед ростакамга қабул қилиб, ўз пайларининг ривожла-ниши учун темир модда-си билан қаноатланмай, темир жисмларни қабул қилиши лозим кўрган экан.

Бутун олам титраган ана ўша мудҳиш қунда Хошимжон туғилганди. Ғўёки ҳозиргина шу ер-да жони узилган Сарви бувининг руҳи бўлиб ду-нёга келгандай.

Сарви бувининг ўлими уруш қасофати билан бошланган қунарда ки-лоқ қабристониға қўйил-ган биринчи қадам бўл-ди. Кейинчалик ғам-аламларни кўтаролмас-дан оламдан ўтган қар-қартанглар, очликдан шишиб ўлган болалар унинг орқасидан эр-ғаш кетдилар. Лекин уларнинг руҳи тимсоли-да узоқ йилларга ҳеч ким дунё юзини кўрмади. Бутун қишлоқ узоқ йил-ларга ҳақалоқ йиғисини эшитмади. Ёш-ёш ке-линкачлар беланчак ўрни-га ёстикдошининг узоқ-узоклардан келган хатла-ри-ю, жонсиз сўраглари-ни қучоқлаб тонг отти-рдилар.

Муяссар УМИРОВА.

«НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Бу ерда ошқозоннинг сурункали яллиғлиниги, асаб, жигар, буйрак, тери ва аллерги, қон босими, модда алмашину-вининг бузилиши, ички безлар ҳасталик-лари даволанади.

Соф ҳаво, минерал сув ва бошқа во-ситалар самарали даволанишиға ёрдам беради. Клуб, сузиш бассейни, кутубхона, чойхона, савдо дўконлари дам олувчи-лар хизматига.

Санаторийга нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан йўлланма олиш мум-кин.

Мулоқот учун телефон: (8-36946) 2-19-65, 2-43-54, 2-43-03, 2-24-80.

Манзил: Наманган вилояти, Учқўр-гон тумани. «Учқўрғон-Ниҳол» марш-рутли автобус борилади.

Рингда-Муҳаммад Алининг қизи Лайло: "АЁЛЛАР БОҚСИДА ОТАМДАН ЎТМАМ..."

Спорт оламида эларо дoston бўлган Кассиус Клей-Муҳаммад Али му-сулмонлиқни қабул қил-гач, яна икки марта уйланган. Ҳозир у 56 ёшда ва боксини тарк эт-ган. Аммо АҚШ рингла-рида Муҳаммад Алини-нг қизи Лайло пайдо бўлди ва рақиблар ус-тидан кетма-кет галаба қозона бошлади. Отаси Лайлонинг спорт олами-га киришини маъқулла-йди. Тренери «Лайло рингда капалак каби учади, ари чаки чақа-ди», дейди.

Лас Вегасдаги ринг-ларда Лайло профес-сионал боксчи сифати-да қатнашмоқда. Узини-нг айтишича, у 18 ёш-дан отаси каби боксчи бўлишни орзу қилган. Қунига уч соат, ҳафта-сига 20 соат машқ қи-лади.

Лайло жанг тактика-сида ҳам отасидек, ав-вал рақибни роса ҳол-дан тойдирди, сўнг пайт пойлаб, кучли бир зарб билан ноқуат қи-лади. Лайло отаси ҳақида бундай дейди: «Отам Муҳаммад Али ёшлиги-да рингда рақибдан сира қалтак емасди, ра-қибининг барча зарбла-рини қайтарар эди. Ёши ўтганидан кейин баъзи жангларда рақиб зар-бини ўтқизиб юборадиган бўлди». Ана шу пайт-ларда Лайло бокс ола-мига киришиға аҳд қи-лди.

Муҳаммад Алининг жасур қизи Лайло ота-си изидан бориб, спорт оламида юксак мар-табаларга эришмоқда.

Оймуҳаммад ТИЛАКОВ тайёрлади.

- Ойжон! Келинингизни ёлғиз қолдирмайлик, бў ёғиға дадам кузатиб қўядилар,-деди Назиржон онасига илтижо билан ни-гоҳ ташлаб.

- Майли, болажоним, мен қоламан,-деди Унсин хола келинига яна бир бор қараб кўяр экан,- хотинингдан қўнглинг тўк бўлсин,-дега гапини давом эттирди у кўзига қўйилиб келган ёшни базур ютиб,- сен ўзингни эҳтиёт қил-гин. Тез-тез хат ёзиб тур.-У ўглини бағрига бо-сиб юз-кўзларидан ўпа бошлади... Назиржон

Зумрадхон билан хайрла-шиб, кетмоқчи бўлиб тур-ган ҳам эдики, ... галати титроқ овозини эшитиб, ўша томонга ўғирилди. - Бир пас тўхта жон бо-лам!... -Деворларни пайпаслаганча, улар то-мон зўрға қадам босиб келаётган Сарви бувини кўриб, ҳаммалари хайрат-дан қотиб қолдилар. Икки йилдан бери оёқдан қо-либ, тўшакка михланиб ётган кампир азбаройи ўчақишганидан қолган-қут-ган кучини тўплаб, ўрни-дан туриб чиққанди. Жус-саси кичрайиб, кийимла-ри шалвираб қолган, оёқ-кўллари дағ-дағ титра-рди! Назиржон югуриб бо-риб, уни қучоқлаб олди.-Ўзингизга озор бериб... бувижон!... Юринг, яхши-си, ўринингизға ётқизиб чиққақолай.

- Йўқ-йўқ, болажоним, мен шу ерда... Бўйларин-гни яна бир бор кўриб қолай. Қайтиб келгунинг-ча, бу дунёда борманми, йўқманми.

Назиржон бувисининг ажин босган юзларига, рўмоли тағидан чиқиб турган оппоқ сочларига, осилиб турган териданги-на иборат бағбақасига қараб, юраги увишиб кет-ди. - Ундай деманг, буй-ижон, ҳали ўз йил яшай-сиз. Худо хоҳласа, худди шу остонада яна ўзингиз кутиб оласиз. Сарви бу-ви ўпкаси тўлиб йиллар, кўзларидан оққан ёш том-чилари набарасининг ел-

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ИЗЛАЙИН ҚАЕРЛАРДАН

(романдан парча)

лати бир уйғунлик - жангуд-жадалларда кучига-куч кў-шадиган, мадад берадиган ажиб бир меҳр мужжасам эди... Дадаси олдинда хан-сирганича шошиб бора-р, афтидан, кечикиб қолиш-дан ҳавотирланарди. Назиржон эса берироқда жимгина юриб борарди. Хаёли паршон. Аросатда қолган жигарбандларини уйлари. У узун илон изи кўчанинг бурилиш жойига етай деганида орқасига сў-нги бор қайрилиб қаради.

Аёллар ҳамон кўчанинг бошида қотиб туришар, кўзлари унинг йўлида эди. Назиржон мудҳиш бир нар-са рўй бераётгандек юра-ги ачишиб кетди. Бир зум орқага қайтгани, хотинни бағрига босгиси, бувижо-ни билан онажонини ширин сўзлар айтиб юпатгиси келди...

У яна беш-олти қадам йўл босиб, бошқа кўчага бурилган ҳам эдики, ҳам галати, ҳам дахшати фар-рёд эшитилгандек бўлди. Эшитилгандек бўлди-ю, гўё ёнгинасидан оқаётган Онасойнинг шовуллагига

ажралиши, иккинчи томон-дан тўлғоқ азоби енгди ча-маси, харорати кўтарилиб, бутун вужуди ўт бўлиб ёна бошлади. Кўз олдини қуюқ туман қоплади. Бу туман орасида нурсиз кўзлари-дан тинмай ёш оқаётган қайнонаси, ранги доқадек оқариб кетган, қоқ суяқ ба-дани титраганча зўрға эшикка суянини турган қайинбувиси, узоқлардан уларга охири бор нигоҳ ташлаб, яна одимлаб ке-таётган Назиржонни элас-элас кўрина бошлади. Ор-тиқ мажолли қолмади. Эшикнинг иккинчи табақа-сига суянганича дармон-сизлини кўзини юмди. Шу пайт оламини титратган дахшати овозини эшитиб кўз-ларини катта-катта очгани-ча бақрайиб қолди...

Водарий! Остонада қайинбувиси мук тушиб ётар, қайнонаси эса дол-лаганича унга талпинарди. Зумрадхон ерда ўлиб ёт-ган қайинбувиси, оппоқ па-ришон сочлари ёзилган қайнонаси ва узоқ-узоклар-да липиллаб кўздан гойиб бўлаётган эрига сўнгги

рилиб улгурмасданок, кў-зида ёши қуримган мотам либосидаги бағри қон че-рралак ўтирдилар. Кечагина урушга кетаётган йигит-ларга оқ фотиҳа бериб, қолганларга сабр-тоқат тила-б қолган онахон бутун худди шу жойда ўтирган-лардан оқ фотиҳа сўраб ётарди.

Нариги хонада ғам-ғус-сага ботган бахти қаро ке-линчак, унинг ёнида қора ёпинчик билан ёпилган ос-ма беланчак. Доду-фарёд, аламли кўз ёшлари. Гўдак ҳам ўзи кўз очиб кўрган ду-нённинг дахшати аламли-рини мурғак юракчаси билан ҳис қилаётгандек улар-га қўшилиб тинмай чинқи-рарди...

Ҳамманинги бағри қон, ҳамма ёқ мотам. Анаву тўр-даги жаса, атрофидиға фарёд чекаётган одамлар, девордаги нуруний чол су-рати, михга осиглиқ бир чеккаси тишланган нон... Мотам либосига бурканган бу мудҳиш хонадонда ота-боболарнинг руҳи поклари ке-зиб юрар, ўзини гирён уриб, безовта қирқиллар-

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), А.Алламуродов (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОЛЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Мақиллини: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134